

10-1-2019

ECONOMIC FUNDAMENTALS OF PRIVATE PENSION PROVISION

Sh. Rajabov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Rajabov, Sh. (2019) "ECONOMIC FUNDAMENTALS OF PRIVATE PENSION PROVISION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 5 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss5/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ECONOMIC FUNDAMENTALS OF PRIVATE PENSION PROVISION

The article considers the role of non-state pension funds in ensuring the economic well-being of the population and the economic significance of their creation.

Keywords: non-state pension funds, pension provision, pension system reform, the World Bank, funded pension system, non-state pension provision

Despite the growing need for adaptation of the distribution mechanism to the new conditions at the current stage of development of the world pension system, one of the main directions of pension reform in the developed countries is the formation of non-state pension funds and increasing investment activity. Certain research has been done in this regard in developed countries. However, there is an increasing number of adherents of the economic approach that state pensions should be guaranteed between government employees and specialists, while broader access to collective and individual pensions in the form of non-state ownership is required. Today, creation of institutional foundations for the formation of non-state pension funds, introduction of pension rights of pensioners at the age of retirement through the creation of non-state pension funds, increasing investment activity through the effective use of non-state pension funds, voluntary involvement of the population on strategic objectives of the national pension system. nongovernmental organizations in active involvement in the sphere of pension insurance, assistance in improving living standards of pensioners Existence of urgent problems, such as the further increase of social importance of pension funds, requires scientific research on their solution.

The level of social protection in the conditions of innovative development of the social protection economy in our country is the result of social policy. It should be noted that the state social policy is aimed at preventing excessive deepening of income differentiation between different social groups and strata. The basis of the social policy of the state is the material support of the standard of living of the population at various social levels.

The income of community members is one of the most important indicators of the population welfare assessment. The income is spent on the formation of targeted savings for each person's material and spiritual life, education, health care, recreation and other needs. Accordingly, the social policy of the state is a set of measures of state influence aimed at regulating social relations.

In developed countries, non-state pension funds are not only a means of supplementary pensions, but also a source of long-term investment. Non-state pension funds can be compared only with the banking system by their financial ability. At the same time, the benefits of non-state pension funds are represented by their use of a variety of additional pension schemes, in particular ranging from simple savings to a mixed scheme of transferring funds to non-pension pension funds by independent, employer or trustee organizations.

In the USA, there are all the well-known pensions in the world - distribution, savings, state, private, collective and individual. For the last 70 years, the state system called the Common Federal Program - UFD (Social Security) has been the

main focus of the pension system. Over the past 25 years, pension savings systems, especially in the private sector, have grown rapidly and have become the second largest pension system nationally. This process contributed to significant changes both at the macroeconomic level and the level of economic activity of individuals. At the macroeconomic level, this has been primarily driven by a significant increase in the volume of investment in the stock market, formed by high-value securities, as well as pension funds in the real sector of the economy. In general, the US pension system consists of two main types: the mandatory (state) pension system and voluntary (non-state) pension funds.

Non-state pension funds can invest pension funds in government securities, bank deposits or real estate. Non-state pension funds must contact management companies to use other financial assets in their investment activities. Relationships between non-government pension funds and management companies are based on a trust management agreement. Managing companies are required to have a license to use the pension fund's pension funds.

Deepening of economic reforms in our country requires reform of the pension system, stimulating social reforms. At the same time, there are problems in the formation and use of pension fund revenues, which confirm the need for reform. In our opinion, it is important to analyze the experience gained in reforming the pension system in developed countries and to determine the possibilities of using them in Uzbekistan. In this regard, it is advisable to study the experience of EU countries.

Analyzing the correlation between the Citizens' Accumulation Pension Fund and its participants in different years, in 2005 the total savings from 4084,900 people totaled \$ 18.9 billion. As of January 1, 2018, from the amount of 10692,4 thousand people, 2323,2 billion soums was attracted. UZS, or 325.0 billion sums were attracted from 680.0 thousand people per year. If in 2006, the average number of participants of each system was 49,700 sums in 2006, as of January 1, 2018, this figure was 486,600 sums, which is almost 10 times more than in 2006. However, in the current case, the sum of money to the system participants is 199,600 sums. This decline was due to existing and non-current accounts in the system.

Taxation of income of employees and income from placement of pension funds in non-state pension funds: analysis of taxation system in favor of non-state pension funds investment income above refinancing rate (in case of increasing refinancing rates, this issue becomes more urgent). These funds are intended not for the benefit of non-profit pension funds, but as a non-profit organization, but for the formation of sustainable income for its participants. Withdrawal of income tax from such income.

НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада нодавлат пенсия жамғармаларининг аҳоли иқтисодий фаовонлигини таъминлашдаги ўрни ва уларни ташкил этишнинг иқтисодий аҳамияти ёритилган.

Таянч сўзлар: нодавлат пенсия жамғармалари, пенсия таъминоти, пенсия тизими ислоҳоти, Жаҳон банки, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими, нодавлат пенсия таъминоти

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ НЕГОСУДАРСТВЕННОГО ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

В статье рассматривается роль негосударственных пенсионных фондов в обеспечении экономического благосостояния населения и экономическая значимость их создания.

Ключевые слова: негосударственные пенсионные фонды, пенсионное обеспечение, реформа пенсионной системы, Всемирный банк, накопительная пенсионная система, негосударственное пенсионное обеспечение.

Кириш

Жаҳондаги пенсия тизимлари тараққиётининг жорий босқичида шаклланган тақсимот механизмини янги шароитларга мувофиқлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигига қарамай, ривожланган мамлакатларда пенсия ислохотларининг асосий йўналишларидан бири бу нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш масаласидир. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда муайян тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аммо шунга қарамай, давлат хизматчилари ва мутахассислар ўртасида давлат таянч пенсияларини кафолатлаш лозим, айни вақтда нодавлат мулкчилик шаклидаги жамоавий ва яқка тартибдаги пенсия шакллариغا кенг йўл бериш керак, деган иқтисодий ёндашув тарафдорлари тобора кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини шакллантиришнинг институционал асосларини яратиш, нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини ташкил этиш орқали аҳолининг пенсия ёшига етганида пенсия тўловлари бўйича танлов ҳуқуқларини жорий этиш, нодавлат пенсия жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобига инвестицион фаолликни ошириш, миллий пенсия тизимининг стратегик вазифасидан келиб чиқиб аҳолини ихтиёрий пенсия суғуртаси соҳасига фаол жалб этиш, пенсионерлар турмуш даражасини оширишга кўмаклашишда нодавлат пенсия жамғармаларнинг ижтимоий

аҳамиятини янада ошириш каби долзарб муаммоларнинг мавжудлиги уларни ҳал этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.


Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини ривожлантириш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан нодавлат пенсия жамғармалари тизими хорижий иқтисодчи-олимлардан П.Антолин, А.Дж.Биккер, З.Боди, Д.А.Брудерс, Дж.Винтер, Д.Витас, Р.Гибсон, Э.Дэвис, Т.Кроссли, Р.Мертон, Ф.Модильяни, Дж.Стиглиц, Ф.Стюарт, Д.А.Холландерс, Э.Франк, Г.Шарлин, Р.Хайнц, М.М.Аранжереев, А.В.Головченко, С.Дедиков, Я.А.Кабаков, Е.И.Куликова, В.Д.Роик, И.А.Юрьева, Н.Н.Масюклар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, Д.В.Бочкарев, А.В.Киевич, И.Е.Наздрева, Л.А.Сетченкова, Ю.Ю.Финогенова, А.В.Шаховларнинг илмий ишларида пенсия тизими ислоҳоти бошланишига қадар нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятининг айрим амалий жиҳатлари ёритилган.

Таҳлил ва натижалар

«Нодавлат пенсия таъминоти тизими» тушунчасига таъриф бериш учун «tizim» тушунчаси ва нодавлат пенсия таъминоти бўйича фаолият моҳиятини очиқ бериш талаб этилади. Умумқабул қилинган маънода ҳар қандай ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатда бўлган унсурлардан ташкил топган шакл, бутуннинг қонуниятга бўйсунган ҳолда жойлашган қисмлар бирлиги тизим дейлади. Шунингдек, тизим ўз функциясига кўра турдош ва умумийлик асосида мақсадларни амалга ошириш мақсадида ўзаро бирлашган ташкилотлар, муассасаларнинг ўзаро муносабатлари ва мажмуини ҳам ифода этади. Юқорида баён этилган фикрларга таянган ҳолда нодавлат пенсия таъминотига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Нодавлат пенсия таъминоти тизими*-пенсия таъминотининг шаклларида бири бўлиб, функционал жиҳатдан ташкилот вазифасини амалга ошириш ва аҳолини нодавлат пенсиялари билан таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-ташкилий нормалар ва институтлар мажмуидир. Бу тизимда нодавлат пенсия жамғармалари нодавлат пенсия таъминотини бевосита амалга оширадиган ташкилотлар турларидан бири ҳисобланади. Халқаро тажрибада нодавлат пенсия таъминоти тизимида нодавлат пенсиялари ва бошқа шу тоифадаги тўловларни шакллантириш ва тўланишини таъминлайдиган қуйидаги ташкилотлар фаолият кўрсатади (1-расм).

Мамлакатимизда шакллантирилаётган ижтимоий ҳимояга йўналтирилган иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида ижтимоий ҳимоя даражаси давлат ижтимоий сиёсатининг самараси ҳисобланади. Бу ўринда қайд этиш лозимки, давлат ижтимоий сиёсати турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўртасида даромадлардаги табақаланишнинг ҳаддан ташқари чуқурлашувига йўл қўймасликка қаратилганлигидир. Давлатнинг ижтимоий сиёсати асосини турли ижтимоий бўғиндаги аҳоли турмуш даражасини моддий таъминлаш масаласи эгаллайди.



1-расм. Нодавлат пенсия таъминоти тизимининг ташкилий бўғинлари¹

Аҳоли фаровонлигини баҳолашда жамият аъзоларининг даромади муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Даромад ҳар бир кишининг моддий-маънавий ҳаёти, илм олиши, соғлиғини сақлаши, хордиқ чиқариши ва бошқа эҳтиёжларини қондириши юзасидан мақсадли жамғармаларини шакллантиришга сарфланади. Шунга кўра, давлатнинг ижтимоий сиёсати-ижтимоий жараён муносабатларини тартибга солишга қаратилган давлат томонидан таъсир этиш чора-тадбирлари йиғиндисидир.


Ривожланган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармалари кўшимча пенсия таъминоти воситаси бўлибгина қолмай, айти пайтда йирик ҳажмдаги узок муддатли инвестициялар манбаи ҳисобланади. Нодавлат пенсия жамғармаларини молиявий имкониятига кўра фақат банк тизими билан қиёслаш мумкин. Айти пайтда нодавлат пенсия жамғармалари афзалликлари уларнинг кўшимча пенсия таъминотининг хилма-хил схемаларидан фойдаланиши билан ифодаланади, хусусан, банк депозити тамойили бўйича оддий жамғаришдан то нодавлат пенсия жамғармаларига маблағларни мустақил, иш берувчи ва ёки васийлик ташкилотлари томонидан ўтказишнинг аралаш схемаларигача қўлланилади.

Нодавлат пенсия жамғармалари пенсия заҳираларини давлат қимматли қоғозлари, банк депозитлари ёки кўчмас мулк объектларига инвестициялашлари мумкин. Нодавлат пенсия жамғармалари инвестицион фаолиятида бошқа молиявий активлардан фойдаланишлари учун бошқарув компанияларига мурожаат қилишлари керак. Нодавлат пенсия жамғармаси ва бошқарув компаниялар ўртасидаги муносабат ишончли бошқарув шартномасига асосланиб амалга оширилади. Бошқарув компаниялари нодавлат пенсия жамғармасининг пенсия заҳираларидан фойдаланиши учун лицензияга эга бўлишлари талаб этилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви, ижтимоий ислохотларга туртки бўлган ҳолда, пенсия тизимини ислох қилишни тақозо этмоқда. Шунингдек, пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда муаммоларнинг мавжудлиги ҳам уни ислох қилиш зарурлигини тасдиқлайди. Фикримизча, ушбу муаммони ҳал этишда

¹Муаллиф томонидан тузилди.

ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этиш борасида тўпланган тажрибани чуқур таҳлил этиш ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.



2-расм. Европа мамлакатларида аҳоли ёшининг ўзгариш динамикаси (фоизда)²

XX асрнинг охири чораги ва XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида қатор мамлакатларнинг пенсия тизимлари тубдан ислоҳ қилиш заруратига кўра, қатор жиддий муаммоларга дуч келди. Пенсия тизимларини ислоҳ қилиш давлатнинг ижтимоий сиёсатини ўзгартириш билан узвийликда олиб борилди. Ислохотлар жараёнидаги асосий вазифа авлодлар ҳамжиҳатлиги тамойилига мувофиқ қурилган пенсия таъминоти институтининг ўзини сақлаб қолишдан иборат бўлди. 3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Европа мамлакатларида аҳоли структурасида 2020 йилга келиб 60 ёшдан ошган аҳоли 26,9 фоизни ташкил этиши кутилмоқда ва бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга. Бу демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда пенсия таъминоти тизимида ислохотлар амалга оширилишига сабаб бўлади.

1-жадвал

**Ўзбекистоннинг демографик кўрсаткичлари ва прогнози³
(2010-2050 йиллар)**


Кўрсаткичлар	2005	2010	2015	2020	2025	2030	2035	2040	2045	2050
(млн.киши)	26,3	29,1	30,2	32,4	34,3	36,7	36,9	37,9	38,7	40,9
Туғилиш коэффициенти (1 аёлга туғри келадиган туғилиш)	2,3	2,3	2,2	2,1	2,0	1,9	1,9	1,8	1,8	1,8

²Eurostat: Europe in Figures, 2017 <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/3217494/8309812/KS-EI-17-001-EN-N.pdf/b7df53f5-4faf-48a6-aca1-c650d40c9239>

³Жадвалдаги 2005, 2010 йил кўрсаткичлари Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. World Bank Population Estimates and Projections (2017).

соли)										
Умр давомийлиги (умумий)	71,8	72,8	68,5	69,0	69,6	70,1	70,7	71,2	71,7	72,2
Умр давомийлиги (эркаклар)	69,6	70,5	65,2	65,7	66,1	66,6	67,1	67,6	68,0	68,5
Умр давомийлиги (аёллар)	74,1	75,1	71,9	72,6	73,2	73,8	74,4	75,0	75,5	76,1
65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сони (%да)	7,04	7,6	4,4	5,1	6,6	8,2	9,4	10,5	11,7	13,4

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, асосий вазифаси мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига ёрдам кўрсатиш ҳисобланган Жаҳон банки пенсия сиёсати ва унинг мамлакатлар иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганиш муаммолари билан шуғулланади. Умуман, Жаҳон банкининг иштироки икки шаклда: биринчиси-таркибий қайта ташкил этиш учун қарзлар ажратиш, бу ўринда, пенсия мамлакатнинг бюджет-солиқ ва иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиши, иккинчиси-инвестиция ажратмаларида ўз ифодасини топади. Уларнинг мақсади тушумларни йиғиш, тўловлар ва тартибга солиш назорати бўйича ҳукуматлар фаолиятини мувофиқлаштиришда ёрдам кўрсатишдан иборат.



4-расм. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромад ва харажатларининг 2015-2020 йиллардаги кўрсаткич ва прогнозлари⁴ (млрд. сўмда)

Бугунги кунда Жаҳон банки прогнозларига кўра Ўзбекистон аҳолиси 2050 йилга бориб 39 млн. кишига етиши кутилмоқда. Мамлакатдаги ўртача умр давомийлиги кўрсаткичи 68 йилдан 72 йилга ошади ва 65 ёшдан катта бўлган иқтисодий фаол аҳоли улуши 4,4%дан 13,4%га етиши мумкин (1-жадвал).

Юқоридаги демографик ўзгаришларга оид рақамлар асосида мамлакатимиз пенсия тизимини ривожлантиришни, хусусан, нодавлат пенсия таъминотини шакллантиришни тақозо этмоқда.

⁴Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш жараёнида алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Пенсия жамғармасининг даромад манбалари ва уларнинг ҳажми ҳамда тўлов муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатъий белгилаб қўйилган. 2014-2017 йиллар мобайнида бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадлари 6492 млрд сўмга ошган. (5-расм). Расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2011-2015 йилларда бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадлари унинг харажатларига нисбатан ижобий сальдо кўринишига эга бўлганлиги кузатилди. 2016-2018 йилларда эса, жамғарма даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқ ўтган йиллар якунларидаги қолдиқ ҳисобига қопланилган. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси прогнозига кўра эса 2019-2020 йилларда пенсия жамғармаси йил якунига кўра салбий сальдо билан чиқиши мумкин. Дастлабки прогнозларга кўра, 2019 йилдаги дефицит 693,2 млрд. сўм бўлиши кутилаётган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич кескин ошган ҳолда 5583,0 млрд. сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бу ҳолат бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги жиддий муаммолардан бири эканлигини қайд этиш мумкин.

Хулооса ва таклифлар

Юқоридагилардан келиб чиқиб, нодавлат пенсия жамғармалари ва умуман пенсия тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш имконияти юзага келди. Биринчи навбатда, бизнинг назаримизга кўра, меҳнат пенсиясини шакллантириш ва уни тўлаш тартибини соддалаштириш мақсадида пенсия таъминоти тизимида давлат ҳамда нодавлат пенсия жамғармаларининг ваколатларини алоҳида ажратиш зарур. Хусусан:

- иш ҳақи ва бўлажак пенсия миқдорлари ўртасида бевосита боғланишни таъминлашга қодир бўлмаган ёшга доир пенсиянинг суғурта қисмини шакллантиришдан воз кечиш, унинг ўрнига пенсиянинг жамғариб бориладиган қисмини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир;

- жамғариб бориладиган пенсияларнинг мажбурий, ихтиёрий ва касбий жамғарма каби турларини шакллантириш ва тўлашни фақат нодавлат пенсия жамғармалари ихтиёрига ўтказиш. Бунда ҳар бир шахсга ишга кираётганда бир ой муддатда унинг пенсиясини жамғарма қисми ўтказиб бориладиган нодавлат пенсия жамғармасини танлашини таклиф қилиш ёки тасодифий танлаб олиш усули билан аниқ бир жамғармага бириктириб қўйиш лозим;

- жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини давлат бошқарувидан чиқариш ташлаш ҳамда бадалларни бевосита нодавлат пенсия жамғармасига тўлаш тартибини жорий этиш самарали ҳисобланади;

- таклиф этилаётган тадбирлар жорий этилгунигача қадар ходимнинг жамғарма пенсия ҳуқуқларини нодавлат бошқарувига ўтказишда уларни конвертациялаш механизминини жорий этиш мумкин;

- ёшга доир пенсиянинг базавий қисмини тўлашни, шунингдек нодавлат пенсия жамғармалари фаолияти мониторингини давлат ихтиёрида қолдириш лозим;

- нодавлат пенсия жамғармаларини тартибга солиш ва уларни назорат қилиш ишларини, шунингдек пенсия ислохотларини амалга ошириш учун масъулиятни давлатнинг ваколатли ташкилотига ўтказиш ва қуйидаги функцияларни бериш билан унинг ваколатларини кенгайтириш, жумладан: фуқароларнинг пенсия жамғармаларини суғурталаш бўйича давлат жамғармасини ташкил этиш; нодавлат пенсия жамғармалари фаолияти билан бирга айна пайтда уларнинг активларини бошқарадиган компаниялар фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш; нодавлат пенсия жамғармалари активларини жойлаштириш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; нодавлат тижорат жамғармалари ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш; жамғармаларнинг қўшимча нодавлат таъминоти соҳасидаги фаолиятини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш; нодавлат пенсия жамғармалари ва бошқарувчи компанияларнинг лицензияларини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш.

Нодавлат пенсия таъминоти субъектларини солиққа тортишни мақбуллаштириш мақсадларида ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган ва жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг самарали фаолияти учун зарурий шарт ҳисобланадиган солиққа тортишнинг мақбул тизимини жорий этиш, хусусан, пенсионерларнинг моддий фаровонлигини яхшилашда пенсияларнинг корпоратив ва индивидуал ҳисоблар режаларини ёппасига қўллаш зарур. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

нодавлат пенсия жамғармаларининг мақомига аниқлик киритиш, хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси”нинг 40-моддаси, амалдаги “Солиқ кодекси”нинг 126-моддасига НПЖларнинг молиявий хизматлар кўрсатувчи нотижорат ташкилот сифатида фаолиятини эътиборга олган ҳолда тегишли ўзгартиришларни киритиш;

ходимларнинг даромадларини ва нодавлат пенсия жамғармалари пенсия захираларини жойлаштиришдан олган даромадларни солиққа тортиш бўйича: нодавлат пенсия жамғармалари инвестиция даромадининг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлган фойдасига солиқ солиш тизимини таҳлил қилиш (қайта молиялаш ставкалари ошиб бориш шароитларда ушбу масаланинг долзарблиги ҳам ошиб боради). Бу маблағлар амалда нотижорат ташкилот сифатидаги нодавлат пенсия жамғармаларининг фойдасини эмас, балки унинг иштирокчиларининг барқарор даромадларини шакллантириш учун мўлжалланади. Бундай даромадлардан солиқларни пенсия тўланганда ундириш;

солиқ тизимининг нодавлат пенсия жамғармаларининг узоқ муддатли ўзига хос фаолиятига мос узоқ вақт давомида барқарорлиги ва ўзгармаслигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар рўйхати:

1. Antolin, P., F. Stewart. «Private Pensions and Policy Responses to the Financial and Economic Crisis» // OECD Working Papers on Insurance and Private Pensions.–2009.–№36.,
2. Bikker, J.A., Broeders, D.W.G.A., Hollanders, D.A., Ponds, E.H.M. Pension Funds Asset Allocation and Participant Age: A Test of the Life Cycle Model // Journal of Risk and Insurance, 2012. – № 79 (3).–P.595-618.,
3. Borsch-Supan, A., F. Koke, J. Winter «Pension Reform, Savings Behaviour and Capital Market Performance»//Cambridge: Journal of Pension Economics and Finance, 2005. – № 4. P. 87 •107.,
4. Crossley T., Jametti M. Pension benefit insurance and pension plan portfolio choice // Review of Economics and Statistics, 2013.–№ 95 (1). – P. 337 - 341.,
5. Frank E., Charleen G., Mauricio S. Reforming the Public Pension System in the Russian Federation // International Monetary Fund Working Paper, 2012., Hinz R. et al (eds) «Evaluating the Financial Performance of Pension Funds» // World Bank and OECD Joint Research Paper, The World Bank, Washington DC, 2010.,
6. Eurostat: Europe in Figures, 2017 <https://ec.europa.eu/eurostat>
7. www.stat.uz Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти.
8. World Bank Population Estimates and Projections (2018).
9. www.pfru.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджет данташқари Пенсия жамғармасининг расмий веб сайти.
10. www.xalqbank.uz - Ўзбекистон Республикаси АТ “Халқ банки” рамиий веб сайти.